

Саидахбор Собитович Булатов

Низомий номидаги ТДПУ профессори, Россия халқаро педагогик таълим фанлари академиясининг ва “Антик дунё” халқаро илмий академиясининг академиги, Турон фанлари академиясининг академиги,

Ўзбекистон Бадиий Академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси,
педагогика фанлари доктори , 97- 344-19-52 bsaidaxbor@mail.ru

**МОМОЛАРИМИЗНИНГ ОЙПАЛАКДА ГЕОЦЕНТРИК ВА ГЕЛИЦЕНТРИК
НАЗАРИЯЛАРНИ АСТРОНОМИК РАМЗЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ**

Аннотация: Ушбу мақолада дунё олимлари неча йиллар давомида ўрганишга аранг улгурган геоцентрик ва гелицентрик назарияларини бизларнинг момоларимиз ўша даврда астрономия илмини яхши билганлари ва уни матода моҳирона астрономик рамзларда акс эттирганлари ҳақида фикр юргизилади.

Таянч сўзлар: Самарқанд, Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, обидалар, кашта, саккизлик модел, сўзана, геоцентрик, гелицентрик, астрономик, рамз, галактика, ядро, юлдуз, сайёралар, харита, харакат, спирал.

Резюме: В данной статье речь идет о геоцентрической и гелицентрической теориях, на изучение которых ученые мира едва успели за многие годы, и о том, как наши мамы хорошо знали в то время науку астрономию и умело отражали ее на ткани в астрономических символах.

Ключевые слова: Самарканд, Афросиаб, Варахша, Болаликтепа, памятники, вышивка, восьмиугольная модель, созана, геоцентрическая, гелицентрическая, астрономическая, символ, галактика, ядро, звезда, планеты, карта, движение, спираль.

Annotation: This article discusses the geocentric and heliocentric theories, which scientists of the world have barely had time to study for many years, and how our mothers knew the science of astronomy well at that time and skillfully reflected it on cloth in astronomical symbols.

Key words: Samarkand, Afrosiab, Varakhsha, Bolaliktepa, monuments, embroidery, octagonal model, sozana, geocentric, heliocentric, astronomical, symbol, galaxy, core, star, planets, map, movement, spiral.

Ўзбекистон халқларининг тарихи, қадриятлари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” маърузасида “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни хайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустақам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”¹. Шу мақсадда республикаимиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. 2017 йил 23 июнь // Маърифат. – Т., 2017. – 24-июнь. – 50 (9011)-сон.

хукматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан, аجدодларимиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Қадимда одамлар ўзлари яшаётган масканлардаги девору тошларга ов жараёнлари, жангу жадаллар, базмлар, турли рамзий нақшлар, тантанали маросимларни акс эттирганлар. Жумладан, Афросиёб, Варахша, Болаликтепа ва бошқа обидалар қолдиқлари шундан далолат беради. (1-расм.)

Ранг-баранг ўсимликсимон, геометрик нақшларда, уларнинг ўзаро жойлашишида чуқур мазмун мужассамлаштирилган. Тасвирланган нақшларда рамзийлик устувордир. Ота-боболаримиз қадимий обидаларни нафис нақшлар




1-расм.Бухоро. Варахша. Деворий рангли тасвир.VI-VII аср.

билан безар экан, завқ олиш билан бир қаторда, улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббат ва тилақларини тараннум этган. Наққош ота-боболаримиз инсон рухиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уйларни ажойиб нақшу нигорлар билан безаган. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболаримиз асрлар давомида ҳаётий тажрибалари асосида илғаган.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хусрав, Камолитдин Беҳзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва алломалар биноларимизни кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар, кишиларни гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар. (2-расм.) Ислом

динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда «Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади», дейилади. Демак, исломнинг эстетик нуқтаи назари гўзалликка ошно

бўлмоқликдир. Аллоҳ гўзал экан, у яратган одам ҳам, у бунёд қилган олам ҳам, бандаларга ҳада этган ноз-неъматлари ҳам гўзалдир. Иброҳим Ҳаққий айтади: «Мавлоно, кўрайлик, найлар, найларса гўзал айлар. Шунга мувофиқ,




2-расм. Самарқанддаги турар-жой меҳмонхонаси.

Аллоҳнинг исм-сифатларини васф этувчи сўзларимиз, унинг қудратини тамсил этувчи биноларимиз, меъморлик обидаларимиз, қўйингки, тангри иродаси, исм-сифати билан боғлиқ бу оламда нимаики нарса бўлса, ҳаммаси гўзал бўлиши керак. Араб имлоси, ғазал, битиклар, нақшлар, меъморий обидалар, тасвирий санъатнинг ислимий-тилсимий турлари эшитиш ва кўриш аъзоларимиз орқали руҳимизга ҳиссий қувонч олиб келади. Ислом маданияти ижод дастурида фикр ва нарсаларнинг шакл яхлитлиги рамзий-тилсимий мазмун қобиғига ўралган. Нақш чодрага ўралган аёлга ўхшайди. Нақш – ҳаққониятни қўл билан ушлаб кўриш эмас, гўзалликнинг моҳиятини англаш, шу гўзалликни дилда тасдиқлаш, чодра ортидаги ҳолатга ўзни тайёрлаш ва унга кириб бориш тимсолидир...»². Масалан

² Ғафур Ғулом. Ибтидодаги аҳд. Тафаккур журнали. 1994, № 1. Б. 53–54.

кашта тикилган қийикча, сўзана палак ва бошқа буюмлардаги оддий нақшлар араб алифбосида ёзилган ёзувдир. Бу ёзувлар рамзий маънода фалсафий маънога эга бўлиб, улар инсонларни рухан тарбиялашда муҳим манбъа бўлиб хизмат қилган³. (3-расм.)



3-расм. Нақшин ёзувлар. Хатот Ҳабибуллоҳ Солиҳ.

Халқимизнинг бебаҳо маданий мероси. Уларнинг ҳар бирида асрлар тажрибаси жамланган, боболаримиз ижодий меҳнати мужассам топган.

Ўтмишнинг ҳар бир ёрқин «зиё» заррасида асрлар қаъридаги зулмат ёритилган. Кашта шунчаки кўзни қувнатиш учун тикилмайди, балки ҳар бир чок, ҳар бир шакл, ҳар бир рангга ўзига хос маъно мужассамлаштирилади.

Ўзбекистон ҳудудларида Астрономия фанининг гуркираб ривожланиши амалий санъат турларига ўз таъсирини кўрсатди. Масалан сўзана, палак, наққошликда, меъморчиликда ва бошқа турларида хунармандлар ва амалий санъат усталари ҳамда мусаввирлар коинот ҳақидаги фалсафий фикрларини тасвирлар орқали ўз фикр ва мулоҳазаларини ифодалаганлар.

³ “Наққошлик санъати энциклопедияси” IV жилд / Тўзувчи-муаллиф: С.С. Булатов. Тошкент: «Complex Print», 2024.

Астрономия илми бўйича буюк донишмандлар шундай дейдилар:

«Мунажжим башоратлари шунинг учун рўёбга чиқадики, кўпчилик одамлар осмон жисмларининг таъсирига тўлиқ бўйсунган ҳолда ўз эҳтирос ва майллари ортидан кетаверишади» (Фома Аквинский).

«Юлдузлар ақлсизларни бошқаради, оқиллар эса ўз юлдузларини» (Фалес).

«Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ» (Рене Декарт).⁴

Ўзбек миллий каштадўзлиги амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини маиший-маънавий эстетик жиҳатдан бойитиш истаги натижасида юзага келган. Каштадўзлик санъати нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбек миллий усталари томонидан қўлда тикилган *кирпеч, сўзана, зардевор, гулкурпа, чойшаб* каби йирик кашталар Германия, Белгия, АҚШ, Ҳиндистон ва Афғонистон каби хорижий мамлакатларда, шунингдек, Қашқадарё воҳасида фақат хонадонларда эмас, балки республиканинг қатор музейларида доимий экспозицияга айланишга улгурган. Қолаверса, ҳозирги кунгача каштадўзлик буюмлари ўзига хос гўзаллик нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Матога кашта тикиш, каштачилик, каштадўзлик, бадий каштачилик амалий санъатнинг тури сифатида узоқ, тарихга эгалигини археологик топилмалар ва ёзма манбалар ҳам исботлайди.

Кашта гуллари билан боғлиқ рамзлар ўзига хос хусусият касб этиб, маълум семантик ифодаларни англатган. Ўсимликсимон ислимий нақшлар - ҳаётнинг давомийлиги, авлодлар келишини; гулларнинг чаман бўлиб очилиб туриши - бахт, қувонч ва шодликларга тўла ҳаёт орзуси; қуёш - ёруғлик, иссиқлик, мўл ҳосил; ой - бахт ва висол, осойишта бахтли ҳаёт; офтоба - мўл-кўлчилик, бахтиёрлик; кўза, сув - деҳқоннинг умиди, ҳосилнинг мўл бўлиши, оиладафайз-барака, сероблик, серфарзандлик (кўза, офтобалар асосан сўзананинг юқори бурчакларида тикилади.

Амалий санъат турларидан бири каштачилик санъатида аждодларимиз айниқса оналаримиз палак тикканларида 18 минг оламини яъни борлиқ ва йўқлик оламини ўрганган илмий фаразларини тасвирий фолят орқали чизик, ранг ва шакллар орқали акс эттирганлар. Палак нима ўзи?

Палак қўлда ёки машинада кашта тикиб тайёрланадиган бадий буюм. Хонани безатиш учун деворга осилади. Ип- газлама (ўтмишда оқ ёки малла бўз)га босма ва бошқа кашта тикилади. Тўлин ой осмон акс эттириладиган нақш композицияси осмон, ой ва юлдузларни ифодаловчи рамзий шакллар (доира ва юлдузлар)дан иборат. Гулларнинг йириклиги ва замини ҳам кашта билан қуюқ қоплаб тикилишига кўра сўзанадан фарқ қилади. Тошкент, Фарғона, Сурхандарё ва бошқа жойларда яратилган ажойиб намуналари Ўзбекистондаги ва хориждаги музейларда сақланмоқда.⁵

⁴ Булатов С.С., Саипова М.С. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. “Иқтисод-молия”, Т., 2016, Б.72.

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 648.

Палак (фалак) (араб., айнан: “фалак”) - самовий ҳомийлик рамзи бўлган астрал нақшли, хона деворига илинадиган, кашта тикиб тайёрланган, катта ўлчамдаги бадий буюм. Янги оиланинг кўрпа- ёстиғига чойшаб, девор каштаси, шунингдек, келиннинг ота уйидан куёв уйига кўчиб ўтишида ўзига хос парда, соябон вазифасини ўтаган.

Момоларимиз самовий жисмларни ва ходисаларини тасвирлаб, палакларда куйдаги номларда номлаган: тоғора палак, юлдуз палак, ой палак, беш ойлик палак, ўн икки ойлик палак ва бошқалар⁶. Олма Сухарева О.А.⁷ ўзининг палак турлари ва уларнинг рамзий маънолари ҳақида катта илмий тадқиқотлар олиб борган.

Палак–фалакни, олам, сайёраларни ўзаро ҳаракати, очик осмон тушунчасини англатади. Палак тикилганда одатда марказий қисмида катта



4-расм. Кубаро Тохтаева шогирдлари билан. Ургут.



⁶ Гюль, Эльмира. Сады небесные и сады земные: вышивка Узбекистана: скрытый смысл сакральных текстов: [монография] / Эльмира Гюль. – М.: ИД Марджани, 2013.– 33 с.

⁷ Сухарева О.А. Сузани : среднеазиатская декоративная вышивка/О.А. Сухарева ; Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. — М. : Воет, лит., 2006. — 86 с.

5-расм. Палаклардан намуналар.



6-расм. Тоғара палак. Тошкент XX аср бошлари.

доира шаклидаги айлана тикилиб, атрофи тўлқинсимон катта ва хошия билан бирга тикилади. Палакдаги доиралар коинотдаги сайёраларни билдиради.

Палакни тўқ қизил берилиши, бу ранг фаровонлик рамзини билдиради.

Тошкентда йирик безакли кашталарни сўзанага ўхшаб кетадиган икки тури палак (арабчадан таржима қилинганда – “фалак”) ва гул кўрпа мавжуд. Тошкент палаклари “ой палак”, “юлдуз палак”, “беш ойли палак”, “ўн икки ойлик палак”, “тоғора палак”ларга бўлинади. Бундай кашталарнинг нақшлари Марказий Осиёдаги қадимги одамларнинг диний тасаввурлари тизимига кирган осмон ёриткичларига сажда қилиш билан боғлиқдир.

Палак ёш келин-куёвлар уйини безовчи палак (аслида-фалак)ка нисбатан халқимизнинг муҳаббати ўзгача. Ўз вақтида испан элчиси Клавихо Амир Темур саройидаги беҳисоб рангли сўзанаю гиламлар қаторида фалак ҳақида ҳам ўз эсталиклариди завқ-шавқ билан ёзиб қолдирган эди.⁸ Фалак онадан қизга, бувидан набирага мерос бўлиб ўтиб келади, келининг энг азиз сепидан бири ҳисобланади. (4,5,6-расмлар.) Унинг турлари маъно англатиши жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлсада, ижросига кўра тикувчининг маҳоратига боғлиқ. Фалак ипак ва чит матодан асосан 2,5x2,5 ёки 3x3 метр ўлчамларда тикилади. Марказида қизил, сариқ ранглар Ой ва Қуёш шакллари, улар атрофида диометри бир ва бир ярим метр бўлган иккита ҳалқа, улар орасида ҳаракат ҳолатини ифодаловчи ўн иккита, баъзи ҳолларда ундан кам ёки кўпроқ 0 сондаги юмалоқ шакллар, тўрт буржидан⁹ асосан

⁸ Авазхонов Т.А. · 2024 — Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар). Таржимон: Тогаев О. - Тошкент: Ўзбекистон. 2010. - 264 Б.

⁹ Бурж – Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракати доирасидаги ўн икки юлдуз туркумининг номлари. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2-жилд. 2003. 253– Б.

тўртта бир хил думалоқ шакл (баъзида тўрт бурчак шакли ҳам кузатилади) ва уларнинг ёнида кичик ўлчамларда ҳаракат ҳолатидаги шакллар акс этирилган, улар гўё самодаги юлдузларни эслатади.

“Фалак” сўзи икки хил маънода шарҳланади: бири сўзана иккинчиси-ҳаракатдаги коинот, гумбаз. Абу Райҳон Беруний ўз асарларида бу сўзнинг гумбаз, айлана деган самонинг ҳаракатдаги ҳолати тушунилиши қайд қилинади. Энди фалакдаги тасвирларни само билан қиёсласак, марказда Ой ва Қуёш ёғдуси билан ёритилган Ер, унинг атрофида ҳаракатдаги сайёралар, сўнгара қўзғалмас осмонга маҳкамланган юлдузлар тасвирларини аён бўлади.¹⁰ Бу тасвирлар – марказида Ер жойлашган Птолемей тизимини ва инсоннинг унга фалсафий муносабатларини акс эттиради. Фалак заминида Коперник тизимининг ифодаси борлигига ўз вақтида ЎЗФА нинг муҳбир аъзоси Ғиёс Умаров ҳам эътибор берган эди. Сўзананинг бу турида умуман коинот тасвири мавжудлигини эса бириничи бўлиб фантаст-ёзувчи Тохир Малик кашф этган ва “Фалак” номли илмий-фантастик қиссасида тарихий жиҳатдан исботлаб берган эди. Фалакнинг тўрт бурчагидаги тўрт шакл тўрт ҳафта, яъни бир ойни, фалакнинг квадрат шакли осмон саройини ифодалайди. Шарқ шеърлятида бундай шаклларга катта эътибор берилган. Хусусан, бундай квадрат шакл-осмон саройида қаҳатчилик, очлик, азоб-уқубат, ташналик бўлмаслигини ифодалайди.

Палак (фалак)–фалакни, олам, сайёраларни ўзаро ҳаракати , очик осмон тушунчасини англатади. Палак тикилганда одатда марказий қисмида катта доира шаклидаги айлана тикилиб, атрофи тўлқинсимон катта ва хошия билан бирга тикилади. Палакдаги доиралар коинотдаги сайёраларни билдиради.¹¹

Палакни тўқ қизил берилиши, бу ранг фаровонлик, ривожланиш, жўшқинлик, тириклик, рамзини билдиради.

Тошкентда йирик безакли кашталарни сўзанага ўхшаб кетадиган икки тури палак (арабчадан таржима қилинганда – “фалак”) ва гул кўрпа мавжуд. Тошкент палаклари “ой палак”, “юлдуз палак”, “беш ойли палак”, “ўн икки ойлик палак”, “ тоғора палак”ларга бўлинади. Бундай кашталарнинг нақшлари Марказий Осиёдаги қадимги одамларнинг диний тасаввурлари тизимига кирган осмон ёриткичларига сажда қилиш билан боғлиқдир.(7-расм.)

Ойпалакда фалакни яъни коинотни тузилиши, тизими яъни коинотни харитаси акс этирилган бўлиб, оналаримиз коинот ҳақидаги астрономик

¹⁰ Ҳабибулло Солиҳ. Халқ санъатида коинот акси. Фан ва турмуш №2. 1994.

¹¹ Эльмира Гюль. Бадий энциклопедия. Ўзбекистон анъанавий санъати атамалари. “Zamon-Press-info Nashryt uyi” МЧЖ,- Тошкент, 2023, 145-бет.




7-расм. Сомон йўли тизими.

| | |
|---|---|
| | |
| <p>8-расм. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси беаги Галактика қисмлари. 1-Галлактика 2-Галлактиканинг ядроси (халқаси ва туйнуғи) 3-Юлдузлар 4-Юлдузларнинг айланиш ўқи 5-митти юлдузлар.¹²</p> | <p>9-расм. Ойпалак XIX аср Тошкент. Палакдаги Галлактикаларни характерларини харитаси рамзий тасвирланг</p> |

билимларини, ғояларини амалий санъат асарларида намоён этганлар. Айниқса, тарихий ёдгорликлар безакларида ва кашта намуналарда галактикалар ва метagalaktikлар турли услубларда акс эттирганлар. Буни қиёсий фото материалларга қиёсий тахлилда кўриш мумкин. (8,9 - расмлар.) Палакни квадрат шаклда олиними олам уйғун ва мукамал яратилганлиги тимсолида тасвирланган. Квадрат оламни ва асосан дунёни тўрт томони борлиги ва олам тўрт унсурдан яъни тупроқ, сув, олов ва ҳаводан пайдо бўлганлиги рамзий ишора қилинган. Палакни умумий нақш тузилиши мунаббат нақш композицияси олинган. Бунинг сабаби рамзий маънода олам чексиз эканлигини билдиради. Палак қизил,

¹² Булатов С.С., Пўлатов А.С. Коинот ва архитектура: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2018. – Б. 59.

оч пушти ва қора рангдан иборат бўлиб, палакни тўқ қизил берилиши, бу ранг фаровонлик ривожланиш, жўшқинлик, юксалиш, ғалаба, қон ва ҳаёт тимсолида берилган. Оч пушти ранг куёш ва зиё ҳамда кундузни билдиради. Қора зулматни, тунни оламдаги зиддиятларни англатади. Инсонларни бу зулмат дунёсидан фақат зиё орқали чиқиб кетишини ва инсон рухий покликка эришиш мумкинлигини билдиради. Унинг марказида саккиз қиррали юлдуз тасвирланиши оламнинг саккиз томониغا ишорадир. Бу билан дунёни саккизта томони бўлиб, унинг саккиз томонида саккизта жаннат жойлашганлигига ишорадир. Қисқаси оламни саккизлик моделини рамзий ифодасидир. Униг саккизта нуруни шакли ичида ўсимликсимон нақш тасвирланган. Бу эса дунёнини саккиз томонида ҳаёт борлигига ишора қилинган. Юлдузча марказида қора халқа берилган бўлиб, уни марказида чархпалак тасвирланган. Бу халқа галактикани марказидаги халқаси бўлиб, у чахфалак равишда айланиб туришини билдиради. Саккиз томондаги нур галактика маркази халқасини ичидан чиқаётган газ, тўзон ва бошқаларни холати тасвирланган. Юлдузсимон атрофидаги халқадаги қора ранглар галактикани айланма спиралсимон харакатини билдиради. Халқа атрофида тасвирланган шакл ва злуксимон шаклидаги гажак S шакли чексизикни, абадийликни ва харакатни билдиради. Ёнидаги спиралсимон тасвири шакл юлдузларни спиралсимон харакатланишини билдиради. Ички халқани устига ишланган ромб шаклларни ичига нуқталар яъни юлдузлар туркуми тўрға солинган юлдузлар эканлиги, улар маълум қонуният асосида харакатланишини билдиради. Катта халқадаги зигизак шаклдаги нақш эса, тун билан кунни алмашиб туришини билдиради. Палакни тўрт томонида чархпалак сифатида айланётган галактикалар тасвирланган. Уни ичида гажаксимон безаклар уларни абадий айланиб туриши тимсолида акс эттирилган. Бу билан 18 минг олам галактикалар тизимидан ташкил топганлиги ва улар ўз ўқи атрофида айланиши ва уларни хар бири тортилиш кучга эгаллиги тасвирланган. Палак атрофида берилган хошия нақшда зигизак холда безак элементи берилиши, оламни абадий харакатланиб туришини билдиради. (10-расм.)¹³



¹³ 1-жадвалга қаранг.

10-расм. Ойпалакни рамзий тахлили. Унинг элементларини рамзий тахлили

1-жадвалда берилган.


Ойпалак элементларини рамзий тахлили

1-жадвал

| № | НОМИ | РАМЗИЙ МАЪНОСИ | ЭСЛА ТМА |
|----------|---|--|---------------------|
| 0 |  Ойпалак | Ойпалак- фалакни момоларимизни кашта воситасида тасвирланиши. | |
| 1 | Квадрат | Олам ва уни уйғун ва мукаммал яратилганлигини билдиради. Дунёни тўрт томони ва Олам 4та унсирдан пайдо бўлганлигини билдиради. (яъни: тупроқ, сув, олов ва ҳаво) | |
| 2 | Халқа | Галактикани халқаси | |
| 3 | Туйнук | Галлактикани қора туйниги. | |
| 4 | Шула | Туйнукда чиқаётган нур | |
| 5 | Кичик халқа | Галактикани чегараси. Халқани ичидаги тўрсимон катак ичидаги қизил нуқталарни такрорланиб туриши галактикани ўз ўқи атрофида циклик айланиб туришини билдиради. | |
| 6 | Катта халқа | Борлиқ оламини чегараси. У ҳам ўз ўқи атрофида циклик айланиб туришини билдиради. Халқадан ташқари қисми йўқлик оламини рамзий ифодаланиши. | |
| 7 | Қора ярим доиралар | Хар бир галактика ва йўқлик олам, борлиқ олами ҳам бир бири билан узвий боғлиқлигини таъкитланган. | |
| 8 | Галактика | Йўқлик оламидаги галактикалар тасвири. | |
| 9 | Спирал | Дунёдаги барча борлиқ спиралсимон абадий ҳаракатда эканлигини ифодаланган. | |
| 10 | Саккиз қанотли чархпалак | Оламининг саккиз томони, Чархпалак дунёни саккиз томонида ҳам абадий айланиб туришини билдиради. | |
| 11 | Асалари | Асалари кўринишидаги нақшни тўрт томонда тасвирланиши, инсонларни асаларига ўхшаб фақат яхши амалларни бажариш кераклиги уқтирилади. Қуръони Карим “Наҳл” сурасининг 68 ва 69 оятларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. | |
| 12 | Палак четидаги хошиясим он нақш. | Олам абадий ҳаракатдан ва кун, тун билан алмашиб туришлигига ишора қилинган. | |

| | | | |
|----|--------------------------------------|--|--|
| 13 | Халқалар | Сайёраларни айланма ҳаракати ифодаланган | |
| 14 | Қора ранг | Зулматни билдиради. Оламни зулматдан иборатлигини билдиради | |
| 15 | Қизил | Қон, ҳаёт, зиддият, ҳаёт учун қураш | |
| 16 | Сариқ | Қуёш ранги, зиё, ёруғлик тимсоли | |
| 17 | Злуксимо н шаклидаг и гажак | Коинотнинг чексизлиги, тириклик, кун ва тун, абадий ҳаракат ва бошқаларни билдиради. | |

Таниқли санъатшунос олим Л.М. Ремпель “Замонлар занжири” асарида¹⁴ сўзана марказидаги катта ёритқич тасвирларини Қуёш белгиси, деб изоҳлайди. Агар биз сўзана марказида тасвирланган ёритқични Қуёш десак, унда мазкур сўзана Николай Коперникнинг гелио марказли тизими муқобили эканлигини кўрамиз дейди астроном Саидбахром Азизов¹⁵. (12-расм.) Биз бу фикрга



12-расм. Николай Коперникнинг оламнинг геоцентрик ва гелиоцентрик модели.¹⁶


тўла қўшила олмаймиз. Чунки ойпалаклар турли кўринишда тасвирлари бор. Ушбу ойпалакни марказида галактика халқа ва ундан чиқаётган газ тўзон ва бошқаларни чиқаётган ҳолати тасвирланган. Унинг халқасини ўртасида чархпалак тасвирланган бўлиб, галактикани ўз ўқи атрофида спиралсимон ҳаракатини кўрсатилган. Хар бир доирасни тишли узатма сифатида галактикалар бир бири билан гравитацион боғлиқлиги акс эттирилган. Тасвирда олам чексизлигини рамзий тасвирлаб бериб, палакда 18 минг оламни модели ўз аксини топганлиги аниқланди.

¹⁴ Ремпель Л.И. Цепь времен. –Т.: Изд. Литература и искусства имени Гафура Гуляма,1987. –192с.

¹⁵ Азизов С. Сирли коинот. –Тошкент: “Ўзбекистон”НМИУ, 2023. – 15-17-бетлар.

¹⁶ <https://mirax.space/issledovanie/geliotsentricheskaya-sistema-mira>

Авлоддан-авлодга амалий санъат намунаси сифатида ўтиб келаётган сўзана ўрта асрларда Марказий Осиёда оламнинг гелиоцентрик системаси ҳақида анча муқим тасаввур бўлган ва амалий санъатда акс этган, деган фикрни илгари суришга асос бўла олади. Мухуми шундаки, олимлар неча йиллар давомида ўрганишга аранг улгурган геоцентрик ва гелиоцентрик назарияларини бизнинг момоларимиз яхши билганлари ва уни матода акс эттирганлари кишини ҳайратда қолдиради.



13-расм. Галактикамизни фото сурати билин Улуғбек мадрасаси қаносидаги беагидаги галактика тасвири билан қиёсий тахлили.

Авлоддан-авлодга амалий санъат намунаси сифатида ўтиб келаётган сўзана ўрта асрларда Марказий Осиёда оламнинг гелиоцентрик системаси ҳақида анча муқим тасаввур бўлган ва амалий санъатда акс этган, деган фикрни илгари суришга асос бўла олади. Мухуми шундаки, олимлар неча йиллар давомида ўрганишга аранг улгурган геоцентрик ва гелиоцентрик назарияларини бизнинг момоларимиз яхши билганлари ва уни матода акс эттирганлари кишини ҳайратда қолдиради. (13-расм.)

Хуллас, халқ амалий санъатининг хилма-хил турларини коиноттавири жиҳатидан ўрганиш бой ўтмишимизнинг янги-янги саҳифаларини очиши шубҳасиздир. Буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси ҳақид кўпроқ маълумотларга эга бўлсак, миллий маданиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги роли ва ўрнини муносиб, холис баҳолашга имкон туғулади.

Фойдалиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори Тошкент шаҳри, 2017 йил 23 июнь маърузаси. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011).
2. Фафур Фулом. Ибтидодаги аҳд. Тафаккур журнали. 1994, № 1. Б. 53–54.
3. “Наққошлик санъати энциклопедияси” IV жилд / Тузувчи-муаллиф: С.С. Булатов. Тошкент: «Complex Print», 2024. - Б. 60.

4. Булатов С.С., Саипова М.С. Гўзалликдаги коинот фалсафаси. “Иқтисод-молия”, Т., 2016.- Б.72.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2-жилд. 2003. – Б. 648.
6. Авазхонов Т.А. · 2024 — Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарканддаги - Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар). Таржимон: Тогаев О. - Тошкент: Ўзбекистон. 2010. - Б. 264.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2-жилд. 2003. – Б. 253-бет.
8. Ҳабибулло Солиҳ. Халқ санъатида коинот акси. Фан ва турмуш №2. 1994.
9. Эльмира Гюль. Бадий энциклопедия. Ўзбекистон анъанавий санъати атамалари. “Zamon-Press-info Nashryt uyi” МЧЖ,- Тошкент, 2023, .- Б.145.
10. Булатов С.С., Пўлатов А.С. Коинот ва архитектура: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2018. – Б. 59.
11. Ремпель Л.И. Цепь времен. –Т.: Изд. Литература и искусства имени Гафура Гуляма,1987. – Б.192.
12. Азизов С. Сирли коинот. –Тошкент: “Ўзбекистон”НМИУ, 2023. – 15-17-бетлар.
13. <https://mirax.space/issledovanie/geliotsentricheskaya-sistema-mira>